Название: * Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилиш

An type: * Прочие объявления

Body: *

**“Ангрен логистика маркази” АЖ**

**кузатув кенгаши аъзоларига**

**ХАБАРНОМА**

Сизга “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси 2024 йил 27 май куни соат 15:00да видеоконференция шаклида бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “Жамият кузатув кенгашининг ваколат доираси” деб номланган 75-моддасида Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш киради.

**Кузатув кенгашининг навбатдаги мажлиси кун тартиби:**

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун йиллик молиявий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни, жамиятнинг фойда ва зарарини, бухгалтерия балансини тасдиқлаш тўғрисида.
4. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун соф фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
5. 2023 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари ва корпоратив бошқарув кодекси талаблари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисида.
6. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ мажбурий аудит текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларини молиялаштириш миқдорини белгилаш тўғрисида.
7. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг тижорат сири режимига риоя этиш тўғрисида”ги низомини тасдиқлаш тўғрисида.
8. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2024 йил биринчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.

| | |
|---|---|
| | Кун тартибидаги масалалар бўйича қўшимча материаллар ва маълумотлар билан Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган кунга қадар Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, Ипак йўли кўчаси, 1-уйда жойлашган "Ангрен логистика маркази" АЖнинг маъмурий биносида иш кунлари соат 10:00 дан соат 17:00 гача ёки жамиятнинг 78-150-10-30, 78-150-50-90 телефонлари, www.clangren.uz расмий веб-сайти, www.clangren@bk.ru электрон манзил орқали танишиш мумкин. **Ижро органи** |
| Ссылка на объявление на сайте эмитента: * | www.clangren.uz |
| Статус: | Подтверждено |
| Pub date: * | Дата: 20.05.2024 Сегодня \|<br>Время: 15:47:17 Сейчас \| |